

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 10 июль жума

Сотувда эркин нархда
№ 138 (1919)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


## АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР БЎЛАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 июль куни Самарқанд вилоятида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари яқинда Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб, жойларда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишган, кўплаб учрашувларда бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларга эътиборни қаратган эди. Йўлбошчимизнинг Самарқанд вилоятига сафари ҳам ана шундай мулоқотларга бой бўлди.



Мамлакатимизда буюк ҳадисшунос, имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Юбилейнинг асосий тантаналари аллома абадий қўним топган Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан бу ерда улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи айнан ана шу жойдан бошлангани ҳам бежиз эмас. Зеро, тарихий меросга муносабат, аждодлар хотираси, умуман, маънавият масаласи юртбошимизнинг доимий диққат эътиборида. Ислом Каримов қурилиш ишлари билан танишиб, мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди.

Жумладан, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш, сув таъминоти тармоқларини ривожлантириш, барча ишда қадимий меъморлик анъаналарига таяниш лозимлигини айтди.

— Биз бу ерда миллий шакл ва миллий мазмунга эга бинолар қуришимиз керак, — деб таъкидлади жумладан Президент. — Замонавий қурилиш материаллари билан бирга ота-боболаримиз усулидан фойдаланиб, миллий қурилиш материалларини ҳам қўллашимиз зарур. Умуман, барча иншоотларга қадимийлик руҳини сингдириш лозим.

Йўлбошчимиз имом Бухорий қабри устида бунёд этилаётган мақбарани кўздан кечирди. Мақбарани қуришда Шарқ мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андозасига таяниш, асосийси, аллома қабрини зиёрат қилувчиларга қулайлик яратиш зарурлигини уқтирди.

— Одамлар бу ерга нима учун келишини унутмайлик, — деди Ислом Каримов. — Барча қилаётган ишларимиз имом Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мақбарани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳунармандлар Мирумар Асадов, Миржамол Асадов ва бошқалар билан суҳбатлашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

— Бундай муқаддас қадамжода ўз маҳоратини намойиш этиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бизга бу ишлар насиб қилганининг ўзи катта бахт, — деди йўлбошчимиз. Президент мажмуа доирасидаги масжид қурилишида ортиқча ҳашамат ва безакларга берилмаслик, одамлар бу ерга ибодат учун келишларини эсдан чиқармаслик кераклигини айтди. Бутун мажмуанинг кўрки бўлиб турган қадимий чинорларни асраш, уларнинг соясида ҳовуз барпо этиб, зиёратчилар учун дам олиш жойига айлантириш зарурлигини қайд этди. Ёдгорлик мажмуи инсонлар руҳий озуқа оладиган маскан бўлиши муҳимлигини таъкидлади.

Айни пайтда Ислом Каримов муқаддас ҳаж сафарига отланган ҳар бир ватандошимиз, аввало, юртимиздаги бу муқаддас ерни зиёрат қилиши мақсадга мувофиқлигини айтди.

— Ҳажга боришдан олдин одам ўзини англаши керак, — деди йўлбошчимиз. — Ўзини англаш эса шундай табаррук жойлардан бошланади.

Шундан сўнг, йўлбошчимиз вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар билан танишиш мақсадида бир қатор хўжаликларда бўлди.

Челак туманидаги "Маниобод" жамоа хўжалигининг 2-бригадаси пахта даласини кўздан кечириб, бригадир Носир Назаров, агроном Бобур Отамуродов билан суҳбатлашди. Хўжаликда экилаётган "Фарғона-3" навининг хусусиятлари, ғўза ривожи, гектар бошига экилган туп сони, тупроқ шароити, суғориш ишлари ва бошқа агротехник тадбирлар қандай ўтказилаётгани билан қизиқди. — Ўзбекистондаги ерларни кучли, ўрта ва заиф ерларга ажратаман, — деди Ислом Каримов. Заиф ерлардан юқори ҳосил олиш учун ўғит бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар қайси хўжалик ўзига мос пахта навини танлаб олиши, ҳар бир туман экилаётган пахта навларини такомиллаштириш устида иш олиб бориши зарур.

Шу ернинг ўзида Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

— Иқтисодий ислоҳотлар шу заминда яшаётган одамларнинг фаровон ҳаёти учун, озод ва обод Ватан қуриш учун амалга оширилмоқда, — деди жумладан давлатимиз раҳбари.

— Лекин инсон бу ислоҳотларнинг мақсадини тушуниши учун унинг онги, дунёқараши, маънавияти шунга мос бўлиши керак. Ислоҳотларнинг негизига етиб бориш учун эса миллий қадриятларимиз асосида комил инсонни тарбиялашимиз лозим. Шу сабабли биз маънавиятга кўпроқ эътибор бериб, уни иқтисодий ислоҳотлар билан тенг қўйяпмиз, баъзида эса устун ҳисоблаяпмиз. Зеро, маънавият моддий ҳаётдан юқоридир. Маънавиятни юксалтириш учун ўзлигимизни англаш, бунинг учун эса тарихимизни билишимиз зарур, — деди Президент. — Мана шундай обидаларни тиклаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Агар биз имом Бухорийдек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлишни истасак, улар меросидан баҳраманд бўлишимиз, уни асрабавайлашимиз шарт.

Жомбой туманидаги "Ҳақиқат" жамоа хўжалиги ижарачиси Олим Тоғаев, хўжалик раиси Барот Нодиров Президент Ислом Каримовга жамоа далаларида экилаётган "Улуғбек-600" буғдой нави хусусида сўзлаб беришди. Жумладан, бу навли ғалланинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 75 центнерни ташкил этмоқда. У маҳаллий иқлим шароитига жуда мос. Давлатимиз раҳбари ижарачи ва хўжалик ўртасидаги шартнома қандай бажарилаётгани ҳақида сўраб, ҳар иккала томон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши зарурлигини таъкидлади. Хўжалик эришаётган ютуқларни, тўпланган тажрибани бутун республикага ёйиш, хусусан, матбуотда кенг ёритиш лозимлигини кўрсатиб ўтди. — Мақсадимиз республика бўйича ўртача 35-40 центнердан ғалла ҳосили олишдир, — деди Ислом Каримов. — Шунга эришсак, нафақат ўзимизни дон билан таъминлаймиз, балки четга ҳам сотамиз.

Тайлоқ туманидаги "Улуғбек" жамоа хўжалиги далаларида ҳам бир неча йиллардан буён айнан шу нав экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида хўжалик ижарачиси Клара Шарипова бу йил ҳар гектар ердан ўртача 65 центнердан ҳосил кўтармоқчи, мавсум якунига кўра, 2 миллион 700 минг сўм даромад олмоқчи эканлигини айтди. Ислом Каримов "Улуғбек-600" навининг афзалликларини ўрганиш, келгуси мавсумда кенгроқ миқёсда синаб кўриш, мамлакатимизнинг қайси минтақаларида ундан фойдаланиш мумкинлигини белгилаш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, у маҳаллий заминда, деҳқонларимиз қўли билан яратилган нав.

Президент Ислом Каримов шу тумандаги "Элита" Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонасининг тажриба даласини кўздан кечирди. Буғдой ва арпанинг янги навларини етиштиришга ихтисослашган бу корхона тажриба майдонларида бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келтирилган мингга яқин нав синалмоқда. Уларни маҳаллий навлар билан чатиштириб, иқлим ва тупроқ шароитимизга мос, ҳосилдорлиги юқори сара уруғлик олинмоқда. "Улуғбек-600" навининг уруғи ҳам хўжаликларга ана шу корхона томонидан етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона мутахассисларининг илмий тадқиқотларини янги босқичга кўтариш, жойларда бу борада олиб борилаётган ўзбошимчаликларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Дон мустақиллигига эришиш учун уруғчилик масаласини давлат миқёсига кўтариш, жойларда четдан келтирилган шубҳали навларнинг экилишига барҳам бериш лозимлигини таъкидлади. Корхона ходимларининг илтимосига кўра, Ислом Каримов бир неча йиллик изланишлар натижасида етиштирилган янги навни "Ўзбекистон-1" деб номлади.

Шу куни Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида Самарқанд шаҳрини қуриш бош лойиҳаси билан танишди. Йўлбошчимиз Самарқанд республикамизнинг сайёҳлик марказларидан бири эканлигини инобатга олиб, барча қурилиш ва ободонлаштириш ишларини шаҳарнинг туризм соҳасидаги имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада Самарқанднинг тарихий ҳудудида Регистон, Гўри Амир мақбаралари ва Амир Темур ҳайкали ўртасида ягона сайёҳлик мажмуини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Шўро даврида бу бебаҳо тарихий ёдгорликларни камситиш мақсадида, уларнинг атрофига спирт заводига ўхшаган ҳар хил бинолар қуриб ташланган, — деди Ислом Каримов. — Биз ана шу хатони тузатиб, Самарқанднинг ҳақиқий тарихий кўркини тикламоғимиз керак. Умуман олганда, туризм дегани фақат обидаларни томоша қилиш эмас, балки шу билан бирга кўнгилли дам олиш ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари шаҳардаги қурилиш ишларини айнан шу йўналишда олиб бориш юзасидан вилоят ва шаҳар раҳбарларига, мутахассисларга тегишли тавсиялар берди. Жумладан, Бибихоним ва Регистонни боғловчи пиёдалар йўли барпо этиб, уни сайёҳларга юқори савиядаги сервис хизмати кўрсатадиган жойга айлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини уқтирди.

Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд вилоятига сафарида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев, Президентнинг Матбуот котиби Азамат Зиёев ҳамроҳлик қилди.

**Беҳзод УСМОН,**
**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Олий Мажлисда

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳузуридаги фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институтининг биринчи ярим йиллик ҳисоботи, Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институтининг меъёрий ҳужжатлари ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда биринчи масала юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) Сайёра Рашидова маъруза қилиб, биринчи ярим йилликда Омбудсман институтининг фаолияти, амалга оширилган ишларнинг амалий таҳлили ва эришилган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Меҳнаткашлар кўтараётган масалаларнинг кўпчилиги бевосита жойларда ҳал этилишига ҳаракат қилинаётир. Шундай бўлсада, фуқаролардан тушаётган ариза ва шикоятлар кам эмас. Шикоятларнинг талайгина қисми коммунал хизмат, ижтимоий таъминот, банк, ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим ходимлари фаолиятидаги қонунбузарликларга таааллуқлидир.

Йиғилишда Марказий Осиёнинг биринчи Омбудсмани бир овоздан тасдиқланди, унинг Канададаги халқаро Омбудсман қароргоҳига аъзо бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу ҳукуматимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришда асосий диққат-эътиборни энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратаётганлигининг бир далилидир.

Омбудсман институти фаолиятини янада такомиллаштириш бугунги кунда катта аҳамиятга эга. Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ҳузуридаги Маслаҳат кенгаши, Регламент ва Эксперт кенгашининг меъёрий ҳужжатлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда шунингдек, ўзбекистонлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари ЕХҲТ (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) томонидан ўтказилаётган қатор анжуманларда иштирок этиб келаётганликлари, Варшава (Польша)да ўтказилган анжуман инсон эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституциявий ҳуқуқларини муҳофазалаш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлганлиги таъкидланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил ҳузуридаги фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси таркибини кенгайтириш, жойларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) фаолиятини таъмин этишга доир билдирилган мулоҳаза ва таклифлар инобатга олинди. Бу эса республикамиз вилоятларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг пойтахтга келмасдан туриб бузилган ҳуқуқларини ўша ернинг ўзида ҳал этиш имконини беради.

Йиғилишда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга Вакил ҳузуридаги комиссиянинг эксперт аъзолари иш бўйича тузган хулосалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров қатнашди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

***Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, корпорация ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари иштирок этди.***

***Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раисининг ўринбосари А Азизхўжаев бошқарди.***

Мажлисда байрамга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон халқ шоири, байрам томошаси бадиий сценарийсининг муаллифи А.Орипов, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Б.Абдураҳимов, "Тошкентуйжойинвестқурилиш" корпорацияси раиси Т.Зокиров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Эрназаров, республика бош санитария врачи Б. Ниёзматовнинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг етти йиллиги бутун халқимиз, жонажон диёримизда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг энг улуғ, энг қутлуғ байрамидир. Бугунги кунда, мажлисда таъкидланганидек, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва бошқа барча соҳалар меҳнат жамоаларида байрамга пухта ҳозирлик кўриш, уни муносиб кутиб олиш ишлари тобора авж олиб бормоқда.

Қутлуғ санага тайёргарлик давомида республика пойтахти — Тошкент қиёфаси янада ўзгаради. Янги уй-жойлар, маъмурий иншоотлар, кўча ва хиёбонлар барпо этилади. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари, маҳаллаларида ҳам кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Мажлисда тегишли ташкилотлар раҳбарларига бу борадаги барча ишларни янада тезлатиш, улуғ байрамимизни юксак савияда ўтказиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Ташкилий қўмита мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Л. Ахметов қатнашди.

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдуғофур Абдураҳмонов Бокуда Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевга ишонч ёрлиғини топширди.***

***Ёрлиқ топшириш маросимидан сўнг ўзбек дипломати Озарбойжон раҳбари билан Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида суҳбатлашди. Озарбойжон Президенти ушбу алоқаларга юксак баҳо бериб, икки мамлакатнинг кўплаб минтақавий ва глобал муаммоларга бўлган ёндашувларининг бир-бирига мос келишини қайд этди.***

***Озарбойжон Республикаси раҳбари мамлакатларимиз фаол иштирок этаётган Транскавказ транспорт йўлагини барпо этиш бўйича ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим соҳаси эканини таъкидлади.***

**«Жаҳон»**
**ахборот агентлиги.**

## ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР

***Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимликлари вакиллари қатнашди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов бошқарди.***

Йиғилишда қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган Дастури жойларда қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Мутасадди раҳбарларнинг шу ҳақдаги ҳисоботлари тингланди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, қишлоқ врачлик пунктларини фойдаланишга топшириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баравар, умумтаълим мактаблари бўйича — 71 фоиз, уй-жой бўйича — 41 фоиз кўпайди. Сув ва газ тармоқларини қуриш кўлами ҳам кенгайди.

Бироқ, кўпгина жойларда фойдаланишга топширилаётган объектлар асосан бюджет ҳисобига қурилмоқда. Бу ишга маҳаллий корхона ва хўжаликларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмаган. Қолаверса, битказилган объектларнинг ҳаммасини ҳам тўла жиҳозланган, деб бўлмайди. Йиғилишда бундай камчиликларга йўл қўяётган ташкилотлар, вилоят ва туман ҳокимликлари мутасаддиларининг бундай масъулиятсизлиги кескин танқид остига олинди. Дастурда белгиланган мажбуриятларнинг аниқ муддатда бажарилишига эришиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Л. Ахметов, М. Усмонов иштирок этди.

**(ЎзА)**




### ЯНА БЕШ ТУМАН МАРРАГА ЕТДИ

Самарқанд вилояти ғаллакорлари дон топшириш бўйича давлат буюртмасини ошириб бажаргани ҳақида хабар қилган эдик. Бугун Самарқанддан яна хушхабар келди. Вилоятнинг Иштихон, Жомбой, Каттақўрғон, Самарқанд ва Қўшработ туманлари ғаллакорлари ҳам маррага етдилар.

Мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган самарқандлик ғаллакорлар давлатга қўшимча равишда яна 15 минг тонна ғалла топширишга аҳд қилдилар.

**(ЎзА)**

### МУБОРАКЛИКЛАР АРМУҒОНИ

Муборак тумани ғаллакорлари 11700 гектар майдонда деҳқончилик қилишиб, юксак хирмон кўтардилар. Давлат қабул пунктларига 18 минг 88 тонна қирмизи дон етказиб берилди.

Туманда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этаяпти. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, такрорий экинлар экишга ҳам ҳозирлик кўрилаётир.

**А. АЙИЗОВ.**

Бугуннинг гапи

## УРУҒ ТАЙЁРЛАШ — МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

Буни ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Негаки, уруғнинг тоза ва саралиги ҳосил тақдирини белгилайди. Шу туфайли ота-боболаримиз ҳам, энг аввало, уруғлик тўплашган, унинг тозалиги, тезпишарлиги ва ҳосилдорлигига катта аҳамият беришган. Мамлакатимиз истиқлолга эришиб, ғалла мустақиллиги учун ҳаракат бошланганданоқ бу масала долзарб муаммога айланди. Уруғчилик масаласига катта эътибор билан қарала бошланди. Маълумки, Республика ҳукумати 1997 йил 10 сентябрдаги махсус қарори билан мамлакатимиз ғаллачилик хўжаликларини бошоқли дон экинлари билан таъминлаш учун «Андижондонмаҳсулот» уюшмасини масъул этиб тайинлаган эди. Зеро, мамлакатимиз далаларида етиштирилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиб, келгуси йил ҳосили учун замин тайёрлаш ҳам бугуннинг долзарб вазифасидир.

Хўш, бу борада қандай амалий ишлар қилинаяпти? Республика ҳукумати қарорининг бажарилиши назорат тарзида текширилганда, аҳвол ойнадек равшан бўлди-қолди. «Андижондонмаҳсулот» уюшмасининг тегишли бошқармаси томонидан 187,6 минг тонна дон уруғлиги тайёрланиши керак эди. Аниқланишича, захира фонди ҳисоби билан биргаликда бу топшириқ бажарилди.

Аммо уруғликнинг тегишли классда бўлишини таъминлаш қониқарсиз ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларига «Андижондонмаҳсулот» уюшмаси 7000 тонна уруғлик юбориши керак эди. Текширишда аниқланишича, анча кам уруғлик берилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, жами уруғлик ғалланинг 1762 тоннаси биринчи класс, 5238,4 тоннаси иккинчи класс сифатида қайд қилинган. Амалда эса етказиб берилган уруғликнинг барчаси фақат учинчи класс эканлиги аниқ бўлди. Жиззах вилояти хўжаликларига 22258 тонна дон юборилган бўлиб, шундан 13492 тоннаси биринчи класс, 11766 тоннаси иккинчи класс деб қайд этилган. Текширишда эса жами 25039 тонна уруғликнинг барчаси иккинчи класс эканлиги аниқланди.

Қашқадарё вилояти хўжаликларига, маълумотларга қаралса, 30003,8 тонна уруғлик дон юборилган. Амалда эса 29928,4 тонна ёки 73,2 тонна кам қабул қилинган. Биринчи класс бўйича фарқ 5253 тоннага ва иккинчи класс бўйича 15240,8 тоннага кам, учинчи класс бўйича эса 19781,4 тоннага кўп қабул қилинган.

Сурхондарё вилояти хўжаликларига сотилган уруғлик миқдори 20142,7 тоннани ташкил қилган. Текширишда маълум бўлдики, аслида 20022 тонна уруғлик келтирилган. Биринчи класс уруғлик олинмаган. Иккинчи класс 8049,6 тонна ва учинчи класс 11682,4 тонна бўлган.

Тошкент вилояти хўжаликларига жами 21643,3 тонна, шундан биринчи класс 10368 тонна, иккинчи класс 11275,3 тонна уруғлик дон топширилган. Амалда эса 20168 тонна уруғлик тарқатилган. Шу жумладан, биринчи класс бўйича 50 тонна, иккинчи класдан 3650 тонна, учинчи класс ҳисобига 16038 тонна кўп миқдорда уруғлик қабул қилинган.

«Андижондонмаҳсулот» уюшмаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжаликларига кам сотилган уруғликларнинг жами миқдори 2356,4 тоннани, кўп сотилган уруғлик дон миқдори 594,6 тоннани ташкил қилди. Шундан биринчи класс бўйича 51011,6 тонна, иккинчи класс бўйича 73184,2 тонна кам эканлиги маълум бўлди.

Шуни айтиш керакки, Қашқадарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хўжаликларига жами 12,4 минг тонна захира фонди уруғлиги берилиши кўзда тутилган. Амалда Қорақалпоғистон Республикасига 400 килограмм, Сирдарё вилоятига 165,5 тонна, Сурхондарё вилоятига 142,7 тонна ва Хоразм вилоятига 774,5 тонна, жами 1083,1 тонна уруғлик режадан ташқари берилган. Сурхондарё вилояти хўжаликларига сотилган уруғликдан 290 тонна, Тошкент вилояти бўйича 430 тонна ва Фарғона вилояти бўйича 412 тонна уруғлик дон сифатсиз эканлиги аниқланди. Республикамиз бўйича бу рақам 1769 тоннани ташкил этади.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, уруғлик дон тайёрлаш ишига ҳанузгача эскича муносабат, қараш сақланиб қолмоқда. Халқимизда «Иллат кетар, одат қолар» деган нақл бор. Бу камчиликларни прокуратура ходимлари ва бошқа назорат органлари текширди, ҳаммасини ғалвирдан ўтказди. Айбдорлар тегишли тартибда жазоландилар. Бироқ бу кўзбўямачилик уларга одат бўлиб қолмаса эди, деб чўчийсан киши. Зеро, бу хатти-ҳаракатлар бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар манфаатига ҳам мутлақо тўғри келмайди. Уруғлик дон тайёрлаш устида жойлардаги мутасадди жаноблар жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим бўлади.

**Ҳамза МАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**

# САОДАТНОМА

## ИЙМОН ВАТАНДАН БОШЛАНАДИ

Инсон ер юзида халифа этиб яратилган. Бу жуда улуғ ва жиддий масъулият. Бу масъулиятни теран тушуниб етиш ва уҳдага ола билиш учун инсон кўнгли маънавият нуридан баҳраманд бўлмоғи керак.

**Маънавият инсон кўнглида акс этган Ҳақ нури, инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунликдир.**

Оллоҳнинг барча китобларида уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Борлиқ ҳақиқати Тавҳид ҳақиқатидир. «Тавҳид» сўзининг маъноси ягоналик ва яхлитлик, яъни миллий маънавиятимиз талқинига кўра, дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манбага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлигидир. Бу моҳият аждодларимиз меросида «ваҳдатда касрат, касратда ваҳдат» (бирликда кўплик, кўпликда бирлик) жумласида ифодаланади. Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти шундаки, борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Бу умумжаҳоний қонуният аро Инсон зотига алоҳида имтиёз ато этилган — унинг иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган. Демак, онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига Оллоҳ олдида жавоб беради. Маънавият шу сабабли ҳам аввало масъулиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти доимо бир нарсани бизга — юртдошларига таъкидлашдан чарчамайди. Ҳар бир инсон «ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам ирода»га, яъни, бир сўз билан айтсак, мустақил маънавиятига эга бўлмоғи керак, чунки «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир».

Маънавият — ўзликни англашдир, ўзлигини англаган Ҳақни танийди. Ўзлигини англаган, Ҳақни таниган инсонни, миллатни, халқни енгиб бўлмайди. Ўзлигини таниган инсон ўз мансаби ва мақомига яраша масъулият ҳис қилади. Ислом Абдуғаниевич Каримов бу соҳада ҳам юртдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Президент эли, юрти билан тенг нафас олади, юртдошларининг дилидаги ниятлар Президент нутқи ва маърузаларида аксини топади. Жумладан, унинг маънавият ҳақида баён этилган мулоҳазалари аждодларимиз яратган бой мерос, халқимиз мақол ва маталлари, урф-одат ва анъаналарида тирик сақланиб келаётган миллий манънавиятимизнинг бош тамойилларини аслига мувофиқ ифодалайди. Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, шахс ва миллат маънавий такомилида беш даража, беш поғона сифатида беш улуғ маънавий қадрият, беш маънавият майдонини ажратиш мумкин.

Булар — Ватан, Шахс, Миллат, Адолат; Ҳақиқат.

Уларнинг ҳар бири миллий маънавиятимизнинг бош таянчлари, ҳар бири алоҳида тизим, мураккаб мундарижали маънавий тушунчалардир. Уларнинг ҳар бири ҳақида ўнлаб рисолалар битиш мумкин.

Биз бугун шу улуғ қадриятларнинг аввал-ибтидоси — Ватан тушунчаси ҳақида дастлабки суҳбатни бошламоқчимиз.

Ҳануз хотирамизда, мустақиллигимизнинг иккинчи йили Президент «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини эълон қилди. Ушбу китобнинг алоҳида боби «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб номланган бўлиб, унда санаб ўтилган 4 негизнинг бири «Ватанпарварлик» эди.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахс учун ўзликни англашнинг ибтидоси Ватан туйғусидир. Чунки ҳар бир инсон муайян маконда туғилади ва ҳаёт кечиради. Унинг руҳияти ушбу маконда шаклланади, шу ўлка унга Ватан саналади, кўнгил дунёсида унга маънавий муносабат юзага келади. Дилида Ватан туйғуси шаклланмаган инсонни мустақил шахс сифатида тасаввур этиш қийин.

Аммо Ватан тушунчаси инсон онгида турлича тажассум топади, турли вазиятларда турлича талқин этилади. Агар уларнинг барчаси назарга олинмаса, қиёсий таҳлилдан ўтказилмаса, ёш авлод руҳига сингимайди, оддий бир шиор даражасида қолиб кетаверади. Қани, миллий маънавиятимиз анъаналарида «Ватан» деганда ким нимани тушунади — бир кўздан кечирайлик-чи?

Аввало, тасаввуф шайхлари — нақшбандия пирлари наздида руҳ учун бадан — Ватан. «Сафар дар Ватан» дейди ҳазрати Баҳоуддин устозлар изидан бориб. Яъни инсон руҳи баданни, моддий вужудни тарк этмаган ҳолда Ҳақ билан бирлашуви, кўнгил кўзгусини поклаб, унда Ҳақ жамоли акс этишига эришуви лозим. Бу Тавҳид эътиқодининг бош талабидир. Инсон Оллоҳ томонидан моддий вужуд сифатида яратилган, уни моддий эҳтиёжларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Фақат инсон ўз вужудини пок сақлаши керак. Аждодларимиз бу масалага алоҳида эътибор беришган. Нопок вужудда пок руҳни тасаввур қилиб бўладими?

Халқимиз «фалончи ватанли бўлипти, ўзига бир ватан солипти» дейди. Бу энди Ватан сўзининг иккинчи маъноси — тураржой, обод маскан, ҳар бир инсон аҳли-оиласи билан паноҳ топувчи гўша. Модомики инсон моддий вужуд экан, бир обод гўшага, аҳли-хонадон билан истиқомат қилувчи муайян маконга эҳтиёжи бор. Ўзбек доимо бу маънодаги ватанга эътибор ажратиб келган, қаерда қўним топса, ўша ерни обод қилган, болам-чақам деб иморат солган, боғ, чорбоғ яратган. Уйи йўқ одамга Ватан меҳри ҳақида гапириб кўринг. Шундай экан, уй-жой солиш, биринчи навбатда, инсоннинг ёлғиз ўзини ўйлаши эмас, балки аҳли-оиласи, фарзандлари ҳақида қайғуриши, демак, меҳр масъулиятининг дастлабки тетапояларидир.

Ватан тушунчасининг янада кенгроқ талқини — ҳар бир инсон учун ўз туғилиб-ўсган диёри, ўлкаси — қишлоғи, шаҳари, қасабасидир. Инсон ўз киндик қони тўкилган юрти — қишлоғи, шаҳарига нисбатан алоҳида меҳр туяди, ундан узоқлашса, интилади, соғинади. Ўзга шаҳарда ҳамқишлоғини кўрса, қариндошини кўргандек бўлади, унга талпинади. Бу — табиий туйғу.

Уруғ-жамоа, илк шаҳар жамоаси даврида, дарҳақиқат, туғилган қишлоғи, униб-ўсган шаҳари инсонга Ватан бўлган. Шахс бўлиб шаклланаётган маънавият эгаси, ўз шаҳри, қишлоғи, овулини Ватан деб билган. Аммо бу ҳолат миллий маънавиятимизнинг 5-3 минг йил аввалги камолот даражасидир. Бугунги авлод ўша 3 минг йил илгари ютуқ ҳисобласа бўладиган даражада қолиб кетса нима бўлади? Бугун менинг Ватаним Қўқон ё Самарқанд, Қарши ё Наманган эмас — балки Ўзбекистон аталмиш мустақил юрт, мустақил мамлакатдир. Ҳар ким ўзи яшаб турган қишлоғи, шаҳарининг ҳар бир кўчасини, ҳар бир гузарини, ариғи-анҳорини, суви-ҳавосини пок тутишга интилмоғи, шунга ҳисса қўшмоғи ҳам фарз, ҳам қарз.

Аммо Ватан тушунчаси том маъносида ўзи фуқаро бўлиб ҳисобланган мамлакатга таллуқли эканини бир зум унутмаслиги керак. Маҳаллийчилик, оила, қариндош-уруғ манфаатларини халқ ва миллат манфаатларидан ортиқ қўйиш, уларни зидлаштириш маънавий ноқислик нишоналаридир.

Нега Ватан тушунчасининг бош маъноси — мамлакат, миллий давлат билан бир келади? Чунки бунда она-замин ва миллат тушунчалари бирлашади, уйғунлашади. Миллат туйғуси бўлмаган инсонда ўз оиласи, туғилиб ўсган шаҳар-қишлоғига интилиши бўлиши мумкин, аммо том маънодаги Ватан меҳри бўлмайди, фидойилик даражасидаги Ватан туйғуси унга ёт бўлади. Миллат туйғуси Ватан туйғуси билан бирлашган жойда ҳақиқий Шахс вужудга келади, маънавий камолот, юксак масъулият ҳисси шаклланади.

Ватан меҳри олий қадриятдир. Бугунги кунда она-сайёра барча бани башарга ягона Ватан эканлигини, уни пок сақлаш, унинг бойликларини асраб-авайлаш инсоният учун ҳаёт-мамот масаласига айланиб бораётганлигини барчамиз сезиб турибмиз. Аммо барибир ўз Ватанини севмаган, миллатининг қадрига етмаган инсон ўзганинг ҳам, башариятнинг ҳам, куррайи замин ободлигининг ҳам қадрига етишга ишониш қийин. Ватанга садоқат ҳақиқатга садоқатнинг, миллатга меҳр аҳли башарга меҳрнинг ибтидосидир. Бусиз на адолат ғалаба қилади, на ҳақиқат юзага чиқади, на инсоннинг ўз шахсига эҳтироми шаклланади. Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, бўшлиқда муаллақ қолади. Ватанга муҳаббат аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди. Мустақиллик маънавияти Ватанга муҳаббатдан, миллат манфаатларига садоқатдан бошланади, ҳар бир шахснинг ўз ички имкониятларини Ватан манфаати йўлида унумли ривожлантириши билан намоён бўлади, унда миллий маънавий меросдан мукаммал баҳрамандликка интилиш умумбашарий қадриятлардан оғишмаслик, ўзга миллатлар маданияти, ўзга минтақа ва ўлкаларда эришилган илғор тажрибаларни ижодий ўзлаштириш иштиёқи билан уйғунликда тўлақонли тажассум топади. Бир сўз билан айтганда, иймон Ватанга меҳрдан, Ватан ва миллат, мамлакат ва халқ олдидаги юксак масъулият ҳиссидан бошланади.

Ватан поклигини сақлаш, Ватанни турли ғаразли кирдикорлардан муҳофаза қилиш, Ватан манфаатлари, миллат манфаатларини теран англаб етиб, келажак авлодга — фарзандларимизга озод ва обод Ватанни мерос қолдириш учун барча истеъдод ва имкониятларимизни ишга солиш — бизнинг Ҳақ олдидаги энг улуғ масъулиятимиз эмасми?

**Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**



## Эътиқод қалбда бўлади

Эшик очилиб, ўрта ёшлардаги киши ийманибгина кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Келинг, биродар, — дедик унга.

— Келдим, — у шундай деди-да, бир нуқтага тикилганча хаёлга чўмиб қолди. Айтмоқчи бўлган гапи нозикроқ бўлса керак, ийманаяпти, деган хаёлга бордик.

— Энди, айбга буюрмайсиз, тўғри бўладими ёки йўқми, Худо билади, бир дилимни ёргани келдим. Арзга ё бировдан шикоят қилиб келди, деб ўйламанг, гина-кудратни ёқтирмайман.

— Агар лозим топган бўлсангиз, бемалол.

— Маҳаллада яшайман, тақдиримдан хурсандман, яхши одамлар ҳамроҳ менга ҳаётда. Ўзим автобус ҳайдайман. Ишимдан ҳам кўнглим тўқ. Шу касб туфайли, бирдан олдин, бирдан кейин деганларидек, рўзғор тебратиб турибман, шукурки нолийдиган жойим йўқ. Ўзбекчилик, ўзиз ҳам биласиз, маҳаллага аралашмаса бўлмайди. Тўй-ҳашам, маъракаларда имкон қадар қатнашаман, амри маъруф ва ақиқа йиғинларида ҳам.

Билмадим, кейинги вақтларда, негадир шундай йиғинлардан кўнглим ўксиб, камситилган кишидай шаштим пасайиб чиқадиган бўлиб қолдим. Нега дейсизми, айтаман, шу ниятда келганман, ўзим ҳам.

Анча бўлди, маҳалладаги бир амри маъруфда бўлдим. Тўрдаги сўрида имом-хатиб ўтирибди, ёнларида соқол қўйган кишилар, ёшларини ҳам англаб бўлмайди. Имом анча мақбул гапларни айтгандан сўнг, ҳе йўқ, бе йўқ кишиларимизга инсоф берди, кўпчилик масжидга чиқадиган бўлиб қолди, қолганларига ҳам инсоф берса ажабмас. Америкадаги бир полвон негр мусулмончиликни қабул қилди, бошқа мамлакатларда ҳам Исломга кирувчилар кўпайиб бормоқда. Мана шундай пайтда ота-боболари асл мусулмон бўлганларнинг бугунги фарзанди фарз талабларини бажармаётганлари бизни ўйлантириб қўймоқда, деса бўладими.

Имом-хатибнинг гапи худди менга қаратиб айтилаётгандек ўзимни ноқулай сеза бошладим. Боя касбимни айтдим. Биринчи сменада ишлаган куним уйдан тонгги соат 5да чиқиб кетаман. 8 соат рулда ўтириш нима эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Автобусда юз хил кишилар билан дуч келасан, бири хурсанд қилади, бошқаси эса дилингни хуфтон этади. Асаблар қақшаб уйга келасан, очиғини айтсам, кўпинча болаларнинг қий-чуви ҳам ёқмайди шундай пайтларда. Хўш, бизга ўхшаганлар камми. Ахир ҳамма ишда бўладику, ҳар бирининг зиммасида маъсулияти бор, шундай бўлгач, қандай қилиб масжидга борсин. Гапираётган кишининг бошқа иши йўқ, унга айтиш осон. Жилла қурса имконияти бор кимсалар, деса ҳам баҳарнов эди.

Назаримда, замон ўзгарганини ҳисобга олмаётирлар. Қайси даврда яшаётганлигимиз ҳам алар эътиборидан четда. Уларга номозни, рўзани канда қилган кимсалар сал бўлмаса кофир. Юрт иши нима бўлади, биров бинокор, биров поезд ҳайдайди, бири заводда, қолгани фабрикада. Нега бу ҳақда ўйламайдилар, шунисига хунобим ошади. Ҳозир жадал ишлаш, ривожланиш даври. Қолаверса ҳар ким ўзи учун икки дунёда ўзи жавоб беради. Шундаймасми?

Суҳбатдошимиз бироз тин олиб, ҳаяжонини босди, сўнг анча босиқлик билан сўзида давом этди:

— Ҳали буниси ҳолва экан. Жазавага тушдими ёки аввалдан ўйлаб қўйганми, билмадим, бир пайт нима деди денг? Ҳозир биз, деди у ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб, масжидга чиқмаётганлар қазоси етиб, вафот этса, бундай кимсага жаноза ўқиш лозимми ёки лозим эмасми — шу хусусда маслаҳат ўтказмоқдамиз. Яширмайман, устимдан бир челак сув қуйгандек аъзойи баданим музлаб кетди. Бу қанақаси бўлди, дейман ўзимга ўзим. Бизга ўхшаганларнинг айби нимада, нечун бу каби жазои кабирни қўлламоқ ниятида бу ақидапараст, дейман. Аминманки, унинг бу сўзлари менга ўхшаганларга ҳам худди шу зайлда таъсир қилган бўлса керак.

Ёнимда ўтирган, ёши менга нисбатан хийла улуғроқ биродарга ўгирилиб, бу қанақаси бўлди, деб сўрадим.

— Бу, — деди у киши, — меъёрдан чиқиш, инсон ҳуқуқини ҳам, раббонийлик динини ҳам менсимаслик, қўполроқ қилиб айтганда, сиз ва бизга ўхшаганларга очиқдан-очиқ тазйиқ ўтказиш. Улар яхши билишади, бундай йиғинларда ҳеч ким эътироз билдиролмайди, мабодо шундай киши топилиб қолса, уни дарҳол Исломга қарши чиқаяпти, деб аюҳаннос солишади, даҳрийликда айблашади. Аслида эса Исломда мажбурлаш йўқ. Пайғамбаримиз оғир қилманглар, енгил қилинглар, ҳар нарсанинг ўртамиёна бўлгани яхши, ҳатто эътиқодни ҳам, деб айтганлар. Назаримда, бу сўзлаётган одам даъватчи эмас, балки ўзларининг ҳеч қандай меъёрга сиғмайдиган талаблари билан кўнглида Исломга мойиллик туғилиб келаётган кишиларнинг кўкрагидан итарадиган ақидапарастлардандир.

Бу сўзлардан кейин анча вақтгача шундай йиғинлардан оёғимни тортадиган бўлиб қолдим, чунки юрак зада бўлиб қолган эди. Аслини олганда, эътиқод сўзда эмас, балки қалбда бўлиши зарур-ку.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинибди. Ўқиб чиқдим, кўнгилдаги гаплар ёзилган. Саволлар кўп эди, лекин уларни ойдинлаштириш учун бирор кишига мурожаат этишга андиша қилардим, тағин мени шаккокликда айбламасинлар, деб.

Буни қаранг, қонунда «фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини хақоратлаш... қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради» деб ёзилибди. Ўз турмуш ақидалари асосида яшаётган megдек кишиларни эндиликда ҳеч ким тафтиш қилмайди, тазйиқ ўтказмайди, шундайми?

Суҳбатдошимизга тикиламиз, ҳаяжондан бўлса керак, юзлари бироз бўртиб кетганди, кўзлари ёнарди.

— Худди шундай, биродар.

— Худога шукр, энди бамайлихотир маҳаллага аралашавераман. Кўнглим тинчиди. Биласизми, киши ўзини худди айбсиз айбдордек ҳис этаётган пайтларим ҳам бўлди.

Ана шунақа. Юрагимни бўшатдим, ўзимни енгил ҳис этаман. Вақтингизни олганим учун узр сўрайман. Дуч келган киши билан бу қалтис масалада суҳбатлашиб бўлмаса, ўйлаб-ўйлаб шу ерга келдим.

**И. СУЛАЙМОНОВ.**

## ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ

Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Мунофиқнинг учта аломати бор: сўзласа, ёлғон сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат қилур»,*** — деганлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: ***«Қуйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлгайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир хислати бор экан, дейиладир:***

***— омонатга хиёнат қилгайдир;***

***— сўзласа, ёлғон сўзлагайдир;***

***— шартнома тузса, шартида турмагайдир;***

***— уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир».***

* * *

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай деганлар: ***«Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири — кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси — кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса»,*** — деганлар.

* * *

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар: ***«Ё Расулуллоҳ, мусулмонларнинг афзали қайси кишидир?» «Қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишидир»,*** — деб жавоб бердилар.

* * *

***«Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўъмин бўла олмайсиз».***

**(Ҳадиси шарифдан).**



## БИЗ УЧУН МУҲИМ...

«Халқ сўзи» рўзномасини мунтазам кузатиб бораман. Айниқса «Саодатнома» саҳифасида бериб борилаётган мақолалардан кўп нарса оламан. «Нажот урфонда», «Мансаб васвасаси ёки тижорат «сири» номли мақолалар шулар жумласидан.

Газетанинг 3 июль сонида берилган «Мансаб васвасаси ёки тижорат «сири» мақоласини ўқиб, ўйга толдим. Биз, ўқитувчилар ҳушёр бўлишимиз кераккa ўхшайди. Демак, ўқувчим мактабни битирди, мустақил ҳаётга қадам қўйди, энди бу ёғига ота-онаси жавобгар, деб ташлаб қўйиш ҳам яхшиликка олиб бормайди. Биз ўзимиз илм берган фарзандларнинг касбу ҳунар эгаллаб, то ҳаётда ўз ўрнини топиб олмагунларича кўз-қулоқ бўлиб туришимиз лозим. Ёшлар — мустақил Ватанимизнинг келажаги. Бас, шундай экан, уларнинг комил инсон бўлиб етишишида мураббийларнинг илму заковати, тажрибаси ва маслаҳати жуда-жуда зарур.

**Насибали ЎРИНОВ.**
**Фарғона вилояти,**
**Бешариқ тумани.**

### ОЛАМДА ЯХШИЛАР КЎП

## САККИЗИНЧИ ФАРЗАНД

Яшириб нима қиламиз. Айримлар тўй-маъракалардами, кўча-кўйдами учрашиб қолишса фақат даромад-у, фойда тўғрисида суҳбатлашади. Кундалик майда-чуйда ташвишлар билан бўлиб, одамийлик, меҳр-оқибат, маърифий-маънавий юмушлар, маданият масалалари тўғрисида сўзлашишни унутадиганлар ҳам бор. Лекин, минг қатла шукрки, ўзгалар дардию ташвиши билан яшайдиган замондошларимиз ҳам кўп.

Маззамжон ака Давлатов ҳам ана шундайлар тоифасидан.

У Сирдарё туманидаги «Шоликор» ширкатлар уюшмасида «Валижон» деҳқон-фермер хўжалигининг бошлиғи. Яқинда унинг оиласида яна бир тўй ўтказилди, рус боласи фарзандликка олинди. Серфарзанд оиладаги янги аъзо ҳақида биров ундай деди, биров бундай.

... Маззамжон аканинг ёшлиги Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги Султон Сегизбоев номли давлат хўжалигида ўтди. Олтмишинчи йилларда «чўлни ўзлаштирувчилар» сафига қўшилиш ниятида Сирдарёга кўчиб келганди. У бу ерда турли вазифаларда ишлади, янги хўжаликларни ташкил этишда фаол қатнашди. Туманда биринчилардан бўлиб фермерчилик ҳаракатини бошлаб берган ҳам Маззамжон акадир. У ўсмирлик даврлари ўтган Оққўрғонни тез-тез қўмсайди. Ўзи яшаган қишлоққа бориб туради. Қариндош-уруғлари, ёру дўстлари даврасида очилиб-сочилиб кетади. Қишлоғида Зоринлар оиласи бўлардн. Оила соҳиби Александр хўжалик фаолларидан эди. Саша эса Александрнинг невараси. Сашанинг отаси ҳам, бобоси ҳам оламдан кўз юмган, онаси эса уни ташлаб кеттан. Боқувчисиз қолган Сашани Бўкадаги болалар уйига топширишади. Эсини таниб қолган Саша ўзи туғилиб ўсган Султон Сегизбоев номли давлат хўжалигига келиб қолади. Ўзига ўхшаган бекорчи болаларга қўшилиб тарбияси бузила бошлади. Маззамжон ака қадрдон қишлоғида бўлганида Саша ҳақида эшитди. Чуқур ўйга толди. Наҳотки етимчанинг бошини силайдиган, уни ота-онаси каби бағрига босиб эркалайдиган, тўғри йўлга бошлайдиган инсонлар бўлмаса? Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар пайтида у бировнинг уйига сиғармикан?



Ўзим фарзандликка олсам-чи? Умр йўлдошим, фарзандларим нима деркин? Одамлар тўғри тушунишармикан? Ўн уч ёшли болани фермер ўз хўжалигида жисмоний ишлатиш мақсадида олаяпти, дегувчилар топилиб қолмасмикан? Хуллас... Йигитча янги хонадонга жуда тез кўникди. Ўзбек тилида бемалол гаплашадиган бўлди.

— Қанийди, давлатим етса-ю, меҳрибонлик уйидаги бошқа болаларни ҳам тарбиямга олсам, — дейди фермер. — Дилда эзгу мақсадларим кўп. Кенжа ўғлим Валижон собиқ империя замонида армияда фожиали ҳалок бўлган эди. Сашани ўша ўғлим ўрнида ўғлим, деб қабул қилдим. Келгусида халққа, жамиятимизга муносиб ўғлон бўлиб хизмат қилса, орзуларим ушалган, деб ҳисоблардим.

**Абдураззоқ БУРЛИЕВ.**

